

Х У К М ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил сентябрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси А.Саидовнинг раислигида, У.Каххаровнинг котиблигида, давлат айбловчиси Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси С.Акилов, судланувчи Р.Мирзарахмедов ва жабрланувчи Н.Бабабекованинг иштирокида,

1974 йил 23 апрелда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, Тошкент шаҳридаги “PAPENBURG UZBEKISTAN” МЧЖда ишчи, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] да яшовчи, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган [REDACTED]

[REDACTED] ни

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан айблаш ҳақидаги 1-1009-2101/439-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, иш юзасидан судланувчи, жабрланувчи кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охирги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи Р.Мирзарахмедов 2021 йил 09 июль куни соат тахминан 01:30 ларда, Яшнобод тумани, Фарғона Йўли кўчаси 9-уйининг олдида, турмуш ўртоғи Н.Бабабекова билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида Н.Бабабековани уриб, унга тан жароҳати етказган.

Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 2021 йил 23 июль кунидаги 4264-сонли хулосасига кўра, Н.Бабабекова танасида, бурун суякларининг синиб силжиши, бош мия ёпик жароҳати, бош мия чайқалиши, юз соҳаси қонталашлари ва юмшоқ тўқималар лат ейиши каби жараҳатлар аниқланган бўлиб, оғирлик даражасига кўра ўртача оғир тан жароҳатлари тоифасига кириши аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Р.Мирзарахмедов эълон қилинган айбга қисман иқрорлик биллдириб, ўз кўрсатувида 2021 йил июль ойи бошларида турмуш ўртоғи Н.Бабабекова ўзаро оилавий низо замирида онасининг уйига кетганлиги, 2021 йил 9 июль куни соат тахминан 00.30 ларда Яшнобод туманига турмуш ўртоғининг онасининг уйига борганлиги, турмуш ўртоғи соат тахминан 02.00 ларда уйига келганлиги, унинг ёнида кимдир борлигини кўриб, турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб, уни бир шапалоқ урганлиги, турмуш ўртоғи йиқиб тушганлиги, ўша ердаги одамлар уларни ажратганлиги, қилмишидан пушаймондалиги ҳақида баён қилиб, суддан унга енгил жазо тайинлашни сўради.

Судда сўроқ қилинган жабрланувчи Н.Бабабекова ўз кўрсатувида у шифохонада ҳамшира бўлиб ишлаши, кечки сменада ишлагани сабабли турмуш ўртоғи Р.Мирзарахмедов уни асосиз рашк қилиб, ҳақоратлаб жанжал қилганлиги, 2021 йил июль ойининг бошларида турмуш ўртоғи мунтазам



равишда спиртли ичимлик ичиб жанжал қилганлиги сабабли, кичик қизини олиб, онасининг уйига кетганлиги, 2021 йил 9 июль куни кечки пайт соат 1.30 ларда ишдан онасининг уйига, яъни Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 9-уйга қайтганида, уй олдида турмуш ўртоғи маст ҳолда турганини кўрганлиги, турмуш ўртоғи унга қизини олиб чиқишини айтиб, уни ҳақоратлаб танасининг турли жойларига кўли ва оёғи билан урганлиги, йиқилганида ҳам уриб, тегишни тўхтатмаганлиги, у атрофдаги одамларни ёрдамга чақирганлиги ва кўшнилари уларни ажратиб олишганлиги, аҳволи ёмонлашгани учун тез ёрдам чақиришганлиги, турмуш ўртоғи мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, уни хиёнатда айблаб, жанжал қилиб келиши, унинг укаси ва оила аъзоларини ҳам доимий тарзда тинчлигини бузиб келганлиги, турмуш ўртоғи билан ярашмаслиги ҳақида баён қилиб, судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни сўради.

Судланувчи Р.Мирзарахмедовнинг содир қилинган жиноятдаги айби, унинг ўз айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, Н.Бабабекованинг аризаси, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувлари, суд тиббий экспертизаси хулосаси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа асосли далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Р.Мирзарахмедовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми, яъни қасддан баданга ўртача оғир тан жароҳати етказиш аломати билан тўғри квалификация қилинган.

Суд судланувчи Р.Мирзарахмедовга жазо тайинлашда, унинг айбига иқрорлик билдириб, қилган ишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, шу билан бир қаторда содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар қопланмаганини инobatга олган ҳолда, қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд жабрланувчи Н.Бабабековага етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, фуқаролик иш юритуви тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб билади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454,457,459,462,463,465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л а д и :

Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилиб, унга ушбу модда билан 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Тайинланган жазо манзил-колонияларда ўтаттирилсин.

Р.Мирзарахмедовнинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залидан қамоққа олинсин.

Жазо муддати 2021 йил 29 сентябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Жабрланувчи Н.Бабабековага, унинг олган тан жароҳатлари юзасидан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича, тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томон 20 сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини қўлига олган кундан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

А.Саидов

